

268 та муассасада 804 нафар ходимга иш ҳақи қисман сақланадиган таътилда бўлганида ўртача иш ҳақи миқдори тўлаб берилган ва жами 2 млрд. 458 млн. 027 минг 392 сўм маблағ сарфланган. Ҳар бир ходимга ўртача 3 млн. 057 минг 248 сўм маблағ сарфланди.

468 та муассасадаги меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларнинг фаолиятидаги ютуқларини инобатга олиб мукофотланиши муносабати билан жами 1 млрд. 147 млн. 566 минг 420 сўм миқдорида маблағ сарфланган. Ҳар бир меҳнат муҳофазаси бўйича вакилига ўртача 2 млн. 452 минг 065 сўм маблағ сарфланди.

Лекин, ҳисобот даврида тармоқ бўйича ижтимоий шериклик асосида жамоа шартномалари тузиш, уларда белгиланган шартларни бажарилиши натижасида ходимларга кўпроқ имтиёз ва кафолатлар белгиланишига эришиш борасида эришилган кўплаб ютуқлар қаторида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Жумладан, 2024 йилда апрел ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича, ходимлар маошлари «UzASBO-2» тизимига ўтиши муносабати билан жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларига киритилиб, ходимларга тадбиқ этилаётган **қуйидаги бандлар бажарилмай қолди:**

- иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш ва МКнинг 208-моддасида белгиланган байрам кунларида меҳнат учун ҳақ тўлаш учун МКнинг 262-263-497-моддаларида белгиланган тартибларда камида икки ярим ҳисса миқдорда ҳақ тўлаш, МКнинг 264-моддасида белгиланган тартибларда ходимга тунги вақтда ҳақиқатда ишлаган ҳар бир соати учун камида икки барабар миқдорида тўловларни амалга ошириш;

- смена ёки навбатчилик асосида иш ташкил этиладиган соғлиқни сақлаш муассасаларида ходимларнинг навбатчилик вақтидаги соат 18-00 дан 22-00 гача бўлган даврдаги иш вақтида ҳақиқатда ишлаган ҳар бир соати учун тўланиши лозим бўлган иш ҳақининг 30 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ тўлаш. «UzASBO-2» тизимига юқоридаги иш ҳақига қўшимча ва устамаларни киритилишида амалий ёрдам сўраб, Республика Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири (ФХ-05/301-1-сонли), Ўзбекистон Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири (ФХ-05/301-2-сонли), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазири (ФХ-05/302-3-сонли), Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири (ФХ-05/302-4-сонли) номига юборилган хатлар ва мурожаатлар ўз натижасини бермади.

2025 йил 2-чорак якуни бўйича:

6 та ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 74 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларига жами 8

млн. 820 минг сўмлик ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатларини бир қисми қоплаб берилди. Ҳар бир мазкур тоифадаги оилага ўртача 119 минг 189 сўм маблағ сарфланди.

308 та ташкилот ва муассасаларда 677 нафар фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган ёш оналарга жами 316 млн. 645 минг 612 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳар бир ёш онага ўртача 467 минг 718 сўм маблағ сарфланди.

Тармоқ касаба уюшма хизматига олинган 163 та нодавлат тиббиёт муассасаларда меҳнат қилаётган 326 нафар ёш болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақтини ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланишига эришилди.

921 та ташкилот ва муассасаларда 5 102 нафар кам таъминланган ёш оилалар вакилларига жами 3 млрд. 071 млн. 766 минг 875 сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилди. Ҳар бир ёш оила вакилларига ўртача 602 минг 071 сўм маблағ сарфланди.

250 та ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 852 нафар ногиронлиги бўлган шахслар ва ўзгалар парваришига мухтож кишилар (муассасанинг собиқ ходимлари)га байрам арафасида жами 421 млн. 405 минг 509 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳар бир мазкур тоифадаги ходимга ўртача 494 минг 607 сўм маблағ сарфланди.

685 та ташкилот ва муассасаларда 2055 нафар ишламайдиган пенсионерлар (муассасанинг собиқ ходимлари)га моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида жами 691 млн. 285 минг 339 сўм маблағ ажратилди. Ҳар бир ишламайдиган пенсионерларга ўртача 336 минг 391 сўм маблағ сарфланди.

324 та ташкилот ва муассасаларда 884 нафар ходимларга юбилей саналари муносабати билан қимматбаҳо совғалар топширилди, бунинг учун жами 308 млн. 134 минг 171 сўм маблағ сарфланди. Ҳар бир ходимга ўртача 348 минг 568 сўм маблағ сарфланди.

422 та ташкилот ва муассасаларда 905 нафар пенсия ёшига етган ходимларга пенсияга чиқишидан олдин жами 336 млн. 443 минг 675 сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди ва улар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ҳар бир пенсия ёшига етган ходимга ўртача 371 минг 760 сўм маблағ сарфланди.

60 та ташкилот ва муассасаларда 118 нафар олий ўқув юртларида тахсил олаётган талабалар учун шартнома пулларининг бир қисмини қоплаш учун жами 428 млн. 923 минг 382 сўм сарфланди. Ҳар бир тахсил олаётган талабага ўртача 3 млн. 634 минг 943 сўм маблағ сарфланди.

20 та ташкилот ва муассасаларда 20 нафар ёш ходимларга сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга чакирилиши муносабати билан жами 161 млн. 700 минг сўм фоизсиз ссудалар берилди. Ҳар бир ёш ходимга ўртача 8 млн.

85 минг сўм маблағ сарфланди.

50 та ташкилот ва муассасаларда 65 нафар ёш оилаларга уй-жой қурилиши ва мамлакатимизда ишлаб чиқилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун жами 201 млн. 708 минг 888 сўм миқдорда фоизсиз ссудалар берилди. Ҳар бир ёш оилага ўртача 3 млн. 103 минг 213 сўм маблағ сарфланди.

Ҳисобот даврида, касаба уюшмаси томонидан қонун ва норма ижодкорлиги, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнларида ўз таклифларини бериш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қабул қилинаётган ҳужжатлар лойиҳалари бўйича Республика Кенгаши томонидан 2020 йилда 39 та, 2021 йилда 38 та, 2022 йилда 33 та, 2023 йилда 43 та, 2024 йилда 50 та, 2025 йилнинг июл ойига қадар 21 та, жами 224 та таклифлар киритилди.



Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”ги Қонунига қўшимчалар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллашатириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Электрон санаторий платформасини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаларига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг “Мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган ёхуд атрофдагиларга сил касаллигини юқтириш хавфи мавжуд бўлган шахсларнинг бажариши руҳсат этилмайдиган ишлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи, “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифаларини беришда шифокорларнинг мутахассислик бўйича иш стажини ҳисоблаб чиқишда ўзаро ҳисобга олинадиган турдош мутахассисликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарор лойиҳаларига, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат

саломатлиги хизматининг “Пуллик хизмат кўрсатиш ҳисобидан ходимларга иш ҳақи тўлаш, мукофотлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида намунавий Низом” лойиҳасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармаси тизимидаги бюджет муассасаларининг бошқа (бошқарув, техник ва хизмат кўрсатувчи) ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тариф разрядларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруқ лойиҳасига, ХМТнинг “Ҳамшираларнинг бандлиги, меҳнат шароитларн ва ҳаёти тўғрисидаги” 149-сон Конвенцияси меъёрларини Ўзбекистон Республикасн миллий қонунчилиги қондаларига мувофиқлиги бўйича, Бош жамоа келишуви, Тармоқ жамоа келишувлари лойиҳаларига, ҳар йилги умумий жамоа шартномаси макетига, Республика касаба уюшмалари фаолларининг вазирликлар, кўмиталар, агентликлар ва ташкилотлар вакиллари билан “Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар” мавзусидаги Давра суҳбатларига таклифлар киритилди.

Бу борада тармоқ, ҳудудий жамоа келишувлари ҳамда жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларга муносиб иш ҳақи тўланишини таъминлашга қаратилган ишлар олиб борилди.

Иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш бўйича жамоатчилик мониторинги ўтказиб келинди. 2023 йил июнь-июль ойида “Жиззах Дори-Дармон” МЧЖнинг 141 нафар ходимига жами 235 млн. 200 минг 450 сўм миқдорида иш ҳақи тўлаб берилмагани аниқланган ва тўлиқ тўлаб берилишига эришилган. 2024 йил ноябрь-декабрь ойида Ғузор тумани 2-сон поликлиникасининг 77 нафар ходимига жами 447 млн. 368 минг 934 сўм миқдорида иш ҳақи тўлаб берилмагани аниқланган ва тўлиқ тўлаб берилишига эришилган.

Тармоқ касаба уюшмаси фаоллари томонидан 2021 йил давомида жами 617 та, 2022 йил 695 та, 2023 йилда 573 та, 2024 йил 363 та ташкилот ва муассасаларда иш берувчилар томонидан энг кам иш ҳақи меъёрларига риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторинги амалга оширилиб, энг кам иш ҳақи Ягона тариф сеткасининг биринчи разряди ставкасидан кам бўлмаган миқдорда тўлаб келинаётганлиги аниқланган ва тегишли чоралар кўрилиши натижасида йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилишига эришилди.

Шунингдек, 2021 йил 479 та, 2022 йил 490 та, 2023 йил 410 та, 2024 йил 498 та, 2025 йилда 138 та ташкилот ва муассасаларда ходимларга тўланаётган иш ҳақи уларнинг малака даражасига мувофиқлиги бўйича мониторинг ўтказилган. Мониторинг натижаларига кўра, 2022 йилда 219 та ходимга жами 210 млн. 214 минг 020 сўм, 2023 йилда 29 та ходимга жами 36 млн. 358 минг 427 сўм, 2024 йилда 28 та ходимга жами 1 млрд. 491 млн. 234 минг 315 сўм, 2025 йил 1 ярим йилликда 3 млрд. 639 млн. 356 минг 181 сўм миқдорида маблағ ундириб

берилишига эришилди.

2022-2023 йиллар давомида, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашига тиббиёт муассасаларининг ҳисобчи, иқтисодчи, кадрлар бўлими бошлиқлари ҳамда кадрлар бўлими инспекторларидан ойлик маошлари камлиги, маошларини ошириш юзасидан амалий ёрдам сўраб кўплаб мурожаатлар келиб тушган.

Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори стандартларига иш берувчилар томонидан риоя этилишини назорат қилиш масалалари тармоқ касаба уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган ва ушбу йўналишда муайян ишлар амалга оширилди.



Ушбу мурожаатлардаги масалалар ечимини топиш мақсадида Республика Кенгаши томонидан нотиббий ходимларнинг, шу жумладан бухгалтер ва иқтисодчиларнинг иш ҳақини ошириш масаласини кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига 2022 йил 10 январь куни ФХ-05/34 ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ФХ-05/35-сонли хатлар юборилган.



Шунингдек, нотиббий ходимларнинг, шу жумладан кадрлар бўлими бошлиқлари ва кадрлар бўлими инспекторларининг иш ҳақини ошириш ҳамда кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устамалар жорий этилишида амалий ёрдам кўрсатишни сўраб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига 4 маротаба, яъни - 2022 йил 19 декабрь куни ФХ-05/450-сонли, 2023 йил 16 январь куни ФХ-05/12-сонли, 2023 йил 9 июнь куни ФХ-05/208-сонли, 2023 йил 3 август куни ГТ-05/249-сонли хатлар юборилган.

Хатлар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча турдаги бюджет муассасаларининг бошқа (бошқарув, техник ва хизмат кўрсатувчи) ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тариф разрядларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2022 йил 16 июлдаги 4-сонли буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича буйруқ лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига белгиланган тартибда келишиш юзасидан 04-30/7977-сонли хат юборилган.

Ушбу хат юзасидан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 2024 йил 24 апрел куни БМ-08/596-сонли жавоб хати юборилиб,

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 16 июлдаги 4-сон буйруғининг 2-иловасида кўрсатилган лавозимлардаги ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларини оширилиши ҳамда кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устамалар жорий этилиши мақсадга мувофиқ деб топилган. Ушбу масала Республика касаба уюшмалари фаолларининг вазирликлар, кўмиталар, агентликлар ва ташкилотлар вакиллари билан “Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар” мавзусидаги Давра суҳбати кун тартибига киритилган.

2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 576-моддасига асосан, ижтимоий шериклар ўртасидаги жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш учун тармоқ, ҳудуд ва бошланғич даражадаги ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар қошида меҳнат арбитражи таркиби шакллантирилди.



Тармоқ тизимидаги ташкилот ва муассасаларда иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида ижтимоий шерикликни янада мустаҳкамлаш уларнинг ижтимоий жараёнлардаги фаоллигини ошириш, жамоа шартномаларининг сифати ҳамда таъсирчанлигини кучайтириш, ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда жамоа шартномаларига амалдаги қонунчиликда кўзда тутилганидан юқори шартлар ва қўшимча имтиёзлар киритилишига эришиш мақсадида 2023 йилда “Энг яхши жамоа шартномаси-2023” ва 2024 йилда “Энг яхши ижтимоий шерик” танловлари ўтказилди. Якуний босқичга етиб келган ташкилот ва муассасалар ҳужжатлари Республика Кенгашининг комиссияси томонидан ўрганилиб, “Энг яхши жамоа шартномаси-2023” танлови якунлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси ҳамда “Энг яхши ижтимоий шерик” танлови ғолиби деб Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази топилди.

“Электр энергияси ва ёқилғи энергетика ресурсларини тежаш бўйича энг яхши бошланғич касаба уюшма ташкилоти кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги низом”га асосан тармоқ бошланғич ташкилотлари ўртасида ўтказилган кўрик-танловларда 2021 йилда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, 2023 йилда Андижон вилояти Избоскан туман тиббиёт бирлашмаси, 2025 йилда Наманган вилояти Мингбулоқ туман тиббиёт бирлашмаси. касаба уюшма кўмиталари ғолиб деб топилди.

Меҳнат инспекцияси фаолияти



Тизимда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш тартибига қатъий амал қилиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, “Ишонч телефонлари”ни мунтазам ва сифатли даражада ишлашини таъминлаш мақсадида касаба уюшмаси инспекциялари томонидан қуйидаги ижобий ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунига асосан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2020 йил 17 июндаги КР-09/782-сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши аппаратининг меҳнат ҳуқуқ инспектори ва меҳнат техник инспектори лавозимлари жорий этилган.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Мажлисининг 2021 йил 2 февралдаги “Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг меҳнат инспекциялари тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги 02-5 сонли қарорига асосан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Меҳнат инспекцияси ташкил этилди.

Ушбу қарорга асосан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши аппаратининг “Меҳнат ҳуқуқ инспектори” ва “Меҳнат техник инспектори” лавозимлари тегишли равишда “Бош меҳнат ҳуқуқ инспектори” ва “Бош меҳнат техник инспектори” лавозимига ўзгартирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича меҳнат ҳуқуқ ва меҳнат техник инспекторлари лавозимлари жорий қилинди.

Республика Кенгашининг 2021 йил 9 апрелдаги 53п-сонли фармойишига асосан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг меҳнат техник ва ҳуқуқ инспекторларини суҳбатдан ўтказиш учун танлов комиссияси тасдиқланди.

Танлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари томонидан тавсия қилинган номзодларнинг назарий ҳамда амалий билим ва кўникмаларига лозим даражада эгалликларини аниқлаш мақсадида суҳбатдан ўтказилди, номзодлар танлаб олинди ва белгиланган тартибда меҳнат муносабатлари расмийлаштирилди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия кўмитасининг тегишли қарорлари билан Меҳнат инспекциясининг иш режаси ҳамда жамоатчилик назоратини олиб бориш режалари даврий тасдиқланиб келинди.

Ҳисобот даврида меҳнат инспекцияси томонидан жами 502 МИНГ 763 нафар ходимларнинг ҳуқуқлари тикланиб, уларнинг фойдасига жами 172 млрд. 301 млн. 279 МИНГ сўм маблағ ундириб берилишига эришилган.

Тармоқ касаба уюшмаси хизматидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда жами **3 002** марта ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда Тармоқ жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларига риоя этилиши доирасида муносиб иш ҳақи ва иш вақтига риоя этилиши бўйича жамоатчилик назорати тартибида ўрганишлар олиб борилган. Ўрганишлар натижасида, меҳнат ҳуқуқлари бузилиши аниқланган **444 МИНГ 37** нафар ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тикланишига эришилиб, уларга **91 млрд. 861 млн. 315 МИНГ** сўм ундирилишига эришилган.

Ўрганишлар сони: **731**
Ходимлар сони: **109 921**
Ундирилган маблағ:
13 млрд. 377 млн. 967 минг

Ўрганишлар сони: **876**
Ходимлар сони: **73 826**
Ундирилган маблағ:
6 млрд. 216 млн. 123 минг

Ўрганишлар сони: **498**
Ходимлар сони: **75 856**
Ундирилган маблағ:
22 млрд. 4 млн. 792 минг


Ўрганишлар сони: **573**
Ходимлар сони: **128 916**
Ундирилган маблағ:
36 млрд. 787млн. 662 минг

Ўрганишлар сони: **324**
Ходимлар сони: **55 518**
Ундирилган маблағ:
13 млрд. 474 млн. 769 минг




Меҳнат инспекциясига жами **5 МИНГ 906** та келиб тушган мурожаатлар ўрганилиб **55 МИНГ 879** нафар ходимларнинг бузилган меҳнат ҳуқуқлари тикланиб, уларнинг фойдасига жами **77 млрд. 84 млн. 350**


Меҳнат инспекцияси томонидан кўриб чиқилган мурожаатлар




Ҳуқуқи тикланган ходимлар сони



Ундирилган маблағ (млн.сўм)



Инспекция томонидан жамоатчилик назорати тартибида ўрганиш ҳамда келиб тушган мурожаатларни ўрганиш натижасида аниқланган қонунбузилишлари, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этилишини таъминлаш мақсадида иш берувчиларга жами **3 МИНГ 926** марта кўрсатмалар киритилди. Бу кўрсатмаларнинг ижроси таъминланиши натижасида **466 МИНГ 209** нафар ходимларнинг ҳуқуқлари тикланишига эришилиб, уларга жами **138 млрд. 831 млн. 999** минг сўм ундириб берилган.



Йиллар	Киритилган кўрсатмалар сони	Ҳуқуқи тикланган ходимлар сони	Ундирилган маблағ
жами	3 926	466 209	138 831 999 208
2021 йил	870	84 554	15 109 852 226
2022 йил	864	113 712	20 634 277 795
2023 йил	860	128 867	37 977 289 821
2024 йил	914	72 220	31 810 176 486
2025 йил август	418	66 856	33 300 402 880

Аниқланган қонунбузилиш ҳамда камчиликларни кўрсатма хатлар орқали бартараф этиш имкони бўлмаган ҳолларда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини тиклаш мақсадида судларга жами **1 МИНГ 846** марта даъво ва буйруқ тартибида аризалар белгиланган тартибда киритилди. Натижада судлар орқали **14 МИНГ 965** нафар ходимларнинг ҳуқуқлари тикланиб, уларга **33 млрд. 427 млн. 207 МИНГ** сўм ундириб берилишига эришилди.




Даъво аризалар | 1 849



Ҳуқуқи тикланган аъзолар | 14 965



Ундирилган маблағ | 33 млрд. 427 млн



Судларда эксперт сифатида иштирок



Меҳнат инспекцияси фаолиятининг яна бир йўналишларидан бири бу – касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласидир. Ушбу масала юзасидан ҳисобот даври давомида меҳнат инспекторлари томонидан **1 МИНГ 174** марта касаба уюшма кўмитаси фаоллари, иш берувчилар ва уларнинг вакиллари ҳамда касаба уюшмаси аъзолари иштирокида давра суҳбати ва ўқув-семинарлар ташкил этилиб ушбу тадбирларда **65 МИНГ 695** нафар ходимлар иштирок этган.

Ташкил этилган ўқув семинарлар



Ўқув семинарлар

1 174

Иштирокчилар сони

65 695

Меҳнат инспекцияси томонидан ҳисобот давридаги фаолияти юзасидан айрим мисоллар.

Қорақалпоғистон Республикасида:

2023 йил 28 июл куни Республика ўлат профилактикаси маркази Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан хизмат сафарига жўнатилган автомашинанинг йўл транспорт ходисасига учраши оқибатида 1 нафар ходим вафот этган, 2 нафар ходим оғир жароҳат олиб, олган жароҳатлари натижасида 1 нафар ходимга тиббий хулоса натижасида 3-гурӯх ногиронлиги берилган.